

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 51-ҳадис

51 - وَعَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ صُرَدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ جَالِسًا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَرَجُلَانِ يَسْتَبْتَانِ، وَأَحَدُهُمَا قَدِ احْمَرَّ وَجْهُهُ وَانْتَفَحَتْ أَوْدَاجُهُ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي لَأَعْلَمُ كَلِمَةً لَوْ قَالَهَا لَذَهَبَ عَنْهُ مَا يَجِدُ، لَوْ قَالَ: أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ذَهَبَ مِنْهُ مَا يَجِدُ. فَقَالُوا لَهُ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «تَعَوَّذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3282، م 2610].

51. Сулаймон ибн Сурад розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан ўтирган эдим. Икки киши сўкишаётган эди. Бирининг юзи қизариб, бўғизтомирлари шишиб кетди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: **«Мен шундай бир калима биламанки, агар у ўшани айтса, ундаги дарғазаблик кетади. «Аъузу биллааҳи минаш-шайтоон» деса, ундан дарғазаблик кетади»,** дедилар. Унга: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан шайтон(нинг шарри)дан паноҳ сўра»** дедилар», деб айтишди.

*Муттафақун алайҳ. .( Бухорий 3282, Муслим 2610)*

**Шарҳ:** Ҳадиснинг давомида: «Нима, жинни бўлибманми?» деди» қўшимчаси бор.

Имом Нававийнинг айтишича, бу гапни Аллоҳнинг динини тушунмаган одам – аъробий ёки мунофиқлардан бири айтган.

«Ғазаб» луғатда розиликнинг тескарисидир. Аслида ғазаб шиддат ва қувват маъноларини англатади. Араблар қаттиқ харсангни «ғазба» дейишади. Ғазаб ҳам шундан олинган. Зотан у қаттиқ жаҳл чиқишини англатади.

Уламолар ғазаб хусусида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифлар айтганлар.

Журжоний «Таърифот»да ғазабни: «У қалбнинг қони қайнаганда кўксиди ҳосил бўладиган бахтсизликдан шифо топадиган ўзгаришдир», деб таърифлаган. (167-бет).

Имом Ғаззолий: «Ғазаб қалб қонининг интиқом талабида ғалаён қилишидир», деган.

Имом Ғаззолий ғазабнинг даражалари ҳақида сўз юритиб шундай дейди: «Одамлар ғазабнинг қувватида уч даражада - тафрийт (камчилик), ифрот (ортиқчалик) ва мўътадилликда бўлувлар».

Тафрийт (камчилик) ғазаб қувватининг бутунлай йўқ бўлиши ёки заифлигидир. Бундай инсон ҳамиятсиз одам дейилади ва жуда ҳам маззаммат қилинади. Шунинг учун ҳам имом Шофеъий: «Кимнинг ғзаби кўзғотилганда ҳам ғзаби чиқмаса, эшакдир», деган.

Бу даражанинг самараси аччиқ бўлади. Бундай одамлар ўзига номуссизлик ва хорликни раво кўрадиган бўладилар.

Ифрот (ортиқчалик) ғазаб сифати ғолиб бўлиб, ақл, дин ва тоат чегарасидан чиқиб кетишгача олиб боради. Ундай ғзабда одамнинг қалб кўзи ҳам, назари ҳам кўр бўлади, тафаккур ва ихтиёр қолмайди.

Ғзабдаги мўътадиллик мақталган ҳолат бўлиб, унда киши ақл ва диннинг ишорасига мунтазир бўлиб туради ва ҳамият лозим бўлганда кўзғолади, ҳилм керак бўлганда босилади. Ғзабни мўътадил ҳолда ушлаб туриш Аллоҳ таоло бандаларидан талаб қилган мустақимлик ҳолатидир. Ана ўша ўртачаликдир.

Бас, ким ўзида ғзабда футурга кетиш, ҳатто рашки сусайиб қолганини ёки ўзига мос бўлмаган хорликни ҳам қабул қилишга мойилликни ҳис қилса, нафсини даволаши керак. Ким ўзида ноўрин ғзаб, ҳаддан ошишини, ман қилинган ишларни қилишга рағбатни ҳис қилса, ўзидаги ғзаб оловини ўчириш ҳаракатида бўлсин.

Банда ғзаб масаласида икки нотўғри ҳолатнинг ўртасини тутишнинг пайдан бўлсин. Мана шу мўътадиллик сироти мустақиймдир».

Қуръони карим ва суннати мутоҳҳарада ноўрин ғзаб қаттиқ қораланиб, уни ютиш тарғиб қилинган.

Аллоҳ таоло «Шуро» сурасида: «Катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиган ва ғзабланган вақтда кечириб юборадиганлар учундир», деган (37-оят).

Мазкур улуғ мақомга сазовор бўладиган жамоа аъзоларида бўлиши шарт қилинган сифатлар - «ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар»дан бўлиш.

Яъни, бирор киши ғазабини чиқарса, кечириб юбора оладиган ҳалим бўлиш. Ўзаб чиққан вақтда уни ичига ютиб, ўша ғазаб чиқишига сабабчи одамни кечириб юбориш олий даражадаги ахлоқ доирасига киради. Лекин бу умуман ғазаб қилмаслик керак, дегани эмас. Баъзи ҳолатларда ғазабга келиш ҳатто вожиб бўлади, олийжаноблик ҳисобланади. Ояти каримада «ғазабланган вақтда» дейилаётганининг ўзиданоқ билса бўладики, Исломда инсондаги мавжуд сифатларни инкор этиш йўқ, уларни йўққа чиқаришга уринилмайди, балки уларни тартибга солиб, яхшиликка йўналтирилади, холос. Ислом инсонни нафси учун беҳуда ғазабланишдан қайтаради, ғазабини ютишни мадҳ этади. Лекин шу билан бир қаторда, Аллоҳ учун, дину диёнат учун, номус учун ғазабланишни вожиб қилади. Демак, ҳамма нарса, жумладан, ғазаб ҳам, ҳилм ҳам, ўрнида бўлиши керак. Шоир айтганидек, «Ноўрин ҳалимлик жаҳолатдир».

Исломда ғазабни ютиш улуғ ахлоқлардан ҳисобланади. Қуръони карим оятларидан ташқари бу олий сифатнинг мақтови Пайғамбаримизнинг ҳадисларида, салафи солиҳларимизнинг ишлари ва сўзларида ўз аксини топган.

Ҳумайд ибн Абдурроҳмандан, у Набий алайҳиссаломнинг саҳобаларининг биридан ривоят қилади:

«Бир киши Пайғамбар алайҳиссаломга: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», деди.

У зоти бобаракот: «Ғазаб қилма», дедилар.

«Расуллуллоҳ алайҳиссалом шу гапни айтганларида ўйлаб кўрсам, ғазаб ҳамма ёмонликни ўзида жамлаган экан». Аҳмад ривоят қилган.

Саҳл ибн Муоздан, у отасидан ривоят қилади: «Пайғамбар алайҳиссаломга: «Ким (жазо беришга) қодир бўлиб туриб, ғазабини ютса, қиёмат куни Аллоҳ уни халойиқ олдида чақириб туриб, ҳурлардан хоҳлаганини танлаб олишга имкон беради», дедилар». Аҳмад ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Менга бир нарса ўргатинг. Кўпайтириб юборманг. Шоядки, англаб олсам», деди.

«Ғазаб қилма!» дедилар.

У ўз сўзини бир неча марта такрорлади. У зот ҳар сафар: «Ғазаб қилма!» дедилар». Термизий, Бухорий ва Аҳмад ривоят қилган.

Саҳл ибн Муоз розияллоҳу анҳудан, у отасидан ривоят қилади: «Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ғазабини унга амал қилишга қодир бўлиб туриб ичига ютса, Аллоҳ уни қиёмат куни халойиқнинг олдида

чақириб, ҳури ʻийнлардан истаганини танлаш ихтиёрини беради», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Ғазабнинг зарарлари:

1. Ғазаб Роҳман ва Роҳийм Аллоҳ таолонинг ғазабини келтиради.
2. Ғазаб шайтонур-рожиймни рози қилади.
3. Ғазаб одамлар орасини бузади.
4. Ғазабдан ҳасад ва фисқу фасод чиқади.
5. Ғазаб ақл ва дин нуқсонлигининг аломатидир.
6. Ғазаб ортидан узр айтиш ва надомат келади.
7. Ғазаб кўзни кўр, қулоқни кар қилади.
8. Ғазаб ўз эгасига одамлар нафратини келтириб чиқаради.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI